

ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА ГУМАНИТАР ФАНЛАР ЎРНИ: РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Сулаймон Амирқулович Ҳайдаров

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети катта ўқитувчиси,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

haydarovsulaymon@navoiy-uni.uz

АННОТАЦИЯ

Мақолада замонавий дунёда гуманитар фан ва гуманитар таълимнинг ривожланиш истиқболлари кўриб чиқилади. Шунингдек, замонавий илмий билимларнинг аҳволи, таълим тизими бу борада дуч келаётган муаммолар хусусида сўз боради. Хусусан, билим олишга бўлган қизиқишнинг пасайиши замонавий кишининг ортиқча инфомацияга кўмилгани билан боғлиқ эканлиги тўғрисидаги тезис ўрганиб чиқилган.

Калит сўзлар: гуманитар фанлар, гуманитар таълим, герменевтика, мантиқ, ижтимоий фикрлаш, метод.

ABSTRACT

The article reveals the prospects for the development of the humanities and humanitarian education at the present stage. The article lists the symptoms of the crisis of modern scientific knowledge, also highlights the problems faced by the current education system. In particular, the thesis is substantiated, according to which the loss of interest in learning is often associated with the information overload of a modern person.

Keywords: teaching humanities, humanitarian education, hermeneutics, logic, humanitarian mindset, method.

КИРИШ

Бугун гуманитар фанга муносабат турличадир. Аммо гуманитар фанлар муҳим ўринга эга эканлигини, илмий аҳамиятини, ўз методларига эга эканлигини аллақачон исботлаган. Гуманитар фанлар, гуманитар тафаккур цивилизация ривожланишида жуда катта рол ўйнамоқда.

Гуманитар билим ва гуманитар таълим эҳтимолий моделларини қуришга ўтишдан аввал, уларнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш зарурдир. Гуманитар билимнинг

асосий мавзуси бу - охирги юз йилликда умуман ўзгариб бораётган – инсондир. Замонавий таълим тизими олдиц турган муаммолар қуйидагиларни санаш мүмкин.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Биринчидан, инсоният бугун ҳаддан ортиқ кўп ахборот билан қуршаб олинган. Шунга қарамай у жуда кам билади, фундаментал билимларга эга холос. Замонавий файласуфлардан бири С.Б. Переслегиннинг фикрича, болаларнинг онги ахборот билан, чунончи керакмас, тизимсиз ахборот билан тўлгани учун ўқиши исташмайди. Болалар янги билимларни тезда ўзлаштириш қобилиятини йўқотмоқдалар.

Иккинчидан, информацион технологияларнинг ривожланиши туфайли замонавий кишига билим олиш осон ишдек туюладапти. Гаджет экранига бармоғингни теккизасан ва керакли ахборот пайдо бўлади. Кўпчилик бу каби “билимлар” қарзга олинганга ўхшайди, сенда қолмайди, қайтарилиб берилади.

Замонавий киши тафаккур қилиш қобилияти тагида қанча меҳнат ва йиллар ётишини ўйлаб ҳам кўрмаяпти.

Учинчидан, замонавий оммавий маданият туфайли бир қолипдаги хулқ ва тафаккур эга инсонлар пайдо бўлмоқда. Бугун бу кўринишдаги одамларнинг кўплиги таълим тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмаяпти.

Тўртинчидан, гуманитар фанларни ўқитиши борасида ўзига хос муаммолар мавжуд. Бу муаммоларнинг илдизи нафақат таълим тизимида, балки гуманитар билимларнинг ҳозирги ҳолатига бориб тақалади. Гап шундаки, гуманитар фанларнинг ҳозирги кўриниши XIX –XX асрнинг биринчи ярмида вужудга келган. Унинг методологияси ҳам айнан ўша даврга тегишилидир. Гуманитар фан ўзининг ҳозирги ҳолатида замонавий жамиятдаги муаммоларни таҳлил қила олмайди.

МУҲОКАМА

Таълим ижтимоий институт каби бутун жамиятнинг ҳолатини ўзида акс эттиради, шу боис кўпгина келтирилган муаммоларни ижтимоий муносабатларни ўзгартириш орқалигина ечиш мумкин бўлади. Бундан аввал эса замонавий жамиятда гуманитар таълимга талаб қай даражада деган саволга жавоб бериш керак бўлади.

Юқорида қайд этганимиздек, бугуннинг кишиси ҳаддан ортиқ кўп ахборот оламида яшамоқда. Чунончи,

бунинг катта қисми кераксиз ахборотдир. Бундан ташқари, бу ахборотлар инсон онгини манипуляция қилиш мақсадида узатилиши мумкин. Демак, ахборотлар оламида манипуляция қурбонига айланниб қолмаслик учун ахборотни идрок қилиш қобилиятига эга бўлиш талаб этилади.

Бу вазифа жуда мураккаб бўлиб, шу боис уни ечишга фақатгина интуиия ва соғлом фикрга эга бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ахборотни идрок қилиш қобилияти гуманитар фанларни ўрганишга ёрдам беради. Бу қадимий фан ўз аҳамиятини бугун ҳам йўқотгани йўқ. Унинг зарурий қонуниятларини билиш кишига керакмас ахборотни, исботи йўқ, ҳеч қандай мантиқий хулосага эга бўлмаган, ички қарама-қаршиликка эга ахборотни ажратиб, манипуляция қурбонига айланмаслик имкониятини беради.

Унинг қонунларини билиш камидা инсонга яроқсиз ахборотни қўра олиш, қўпол манипуляция қурбонига айланмаслик, исбот ва раддия, мантиқий хулосалаш қоидалари бузилган, ички қарама-қаршиликка эга, мантиқан қабул қилиб бўлмайдиган ҳийла-найранглардан тузилган матнларни ажратишни ўргатади.

Мантиқни қоидаларини яхши биладиган одам ососнлик билан ёлғон ва сифатсиз ахборотни ажрата олади, бу билан у ўз вақтини тежайди, саломатлигини асрайди. Мантиқ турли манбалардан олинган ахборотни бир-бирига боғлаш ва бирлаштириш имконини беради.

НАТИЖАЛАР

Бироқ бугунги замонавий ахборот асрида мантиқнинг ўзи камлик қиласди. Биз бугун белгилар оламида яшаяпмиз. Ижтимоий фанларда матнларни тушуниш санъати герменевтика деб аталади. Герменевтика методология асосида ижтимоий-сиёсий ҳодисалар мазмунини талқин қилиш, улар моҳиятини тушуниш мустақил бўлганига кўп бўлмаган Ўзбекистон тарихи, миллий мероси, тафаккур услуги ва дунёқарашидаги ўзгаришларни чукур таҳлил этиш ва шу асосда уларга мустақил муносабатни шакллантириш имконини беради. Глобал ўзгаришлар, ахборот оқими кўлами ошаётган бир пайтда, миллий қадриятлар мазмунини тушуниш билан бирга, ўзга маданиятларни ҳам англаш давр талабидир.

Герменевтика ижтимоий-гуманитар фанлар методологияси сифатида қамрови жиҳатидан кўплаб соҳаларда амал қилиш хусусиятига эга. Чунки у айрим эмпирик ёки назарий методлар каби фақат бир йўналиш, бир қолипга таянмайди:

замон ва маконга нисбатан герменевтика ўз тадқиқот объектларини ҳам, ёндашувларини ҳам осон ўзгартиради. Шу хусусияти билан уни фанлараро методология дейиш мақсадга мувофиқ.

Бугун битта дипломга эга бўлиб туриб, умри давомида бир неча ўз касбини ўзгартириш тенденцияси шаклланмоқда. Инсон ўзгаришни, мустақил ҳунар ўрганишни билади ва ўзига нисбатан талаб ортиши учун келажакдаги зарурый соҳаларни олдиндан кўра олади. Ижтимоий билимга эга инсонлар бу борада устунликка эгалар. Умуман олганда ижтимоий таълимнинг вазифаларидан бири бу яшаётган жамияти талабларини тўғри тушуна оладиган шахс тарбия қилишдир.

ХУЛОСА

Ижтимоий ҳодисаларни герменевтик тушуниш инсоннинг жамиятдаги ўрнини, орзу-мақсадларини белгилашга таъсир қилиб, бевосита унинг дунёқарашини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, герменевтик методологиянинг қиёсий-таҳлилий, танқидий мулоҳаза қобилиятини кучайтиришда муҳим восита эканлигини ҳисобга олиб, уни мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш ҳамда миллий ғоя тарғиботида асосий йўналишлардан бири бўла олишини қайд этиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий фанлар, ижтимоий таълим яқин келажакда талабгир соҳалардан бирига айланади. Бугунги таълим тизимининг вазифаси узлуксиз ўзгараётган, мураккаб дунёда ўз-ўзини ривожлантира оладиган шахсни тайёрлашдир.

REFERENCES

- Переслегин С.Б. Самоучитель игры на мировой шахматной доске. Москва, ACT, Terra Fantastica, 2005.
- Переслегин С.Б. Глобус будущего: очертания шестого технологического уклада. Изборский клуб. 2015; № 9: 128 – 137.
- Ro'zmetov, J., & Haydarov, S. (2021). TARIXNI O'RGANISHDA SOSONIYLAR DAVLATINING O'RNI VA AHAMIYATI. *Scientific progress*, 1(6).
- Солиха Аллярова. Герменевтика. Ўқув қўлланма. 2017 й. Издательство: Экстремум-пресс ISBN: 978-9943-4860-9-6

5. Tulaboyev, D., & Haydarov, S. (2021). TARIXNI O'RGANISHDA MESOPATAMIYANING TARIXI VA DINI: O'RNI HAMDA AHAMIYATI. *Scientific progress*, 1(6).
6. Ҳайдаров, С.А., (2022). Захридин Муҳаммад Бобур: бир қўлда мўйқалам-у, бир қўлда тож. *Scientific progress*, 3(3).
7. Khaydarov, S. A. (2021). The role of the use of fine arts in teaching the history of the country. International scientific and practical conference. CUTTING EDGE-SCIENCE. In *Conference Proceedings* (pp. 41-43).
8. Davrenov, J., & Haydarov, S. (2021). TARIX FANINI O'RGANISHDA XVI-XVIII ASRLARDA YAPONIYA DAVLATI TARIXINI AHAMIYATI. *Scientific progress*, 1(6).
9. Narmatov, D., & Haydarov, S. (2021). TARIX FANINI O'QITISHDA ISPANIYA XV-XVII ASRLARDAGI TARIXI. *Scientific progress*, 1(6).
10. Elguzarov, B. B. O. G. L., & Haydarov, S. (2021). TARIX FANINI O'RGANISHDA MITANNI DAVLATCHILIGINING O'RNI VA AHAMIYATI. *Scientific progress*, 1(6), 616-619.
11. Erkinov, A. S. O., & Haydarov, S. (2021). YUNON-BAQTRYA PODSHOLIGINING IJTIMOYI TUZIMI, XO'JALIGI VA MADANIYATI. *Scientific progress*, 1(6), 620-622.
12. Nematov, M. D. O., & Haydarov, S. (2021). TARIX FANINI ORGANISHDA SHUMER-AKKAD DAVLATCHILIGINING ORNI VA AHAMIYATI. *Scientific progress*, 1(6).
13. Ermatov, F., & Haydarov, S. (2021). TARIX FANINI O'QITISHDA 1870-1914 YILLARDA ANGLIYANING O'RGANILISHI. *Scientific progress*, 1(6).
14. Do'stmurodov, S., & Haydarov, S. (2021). TARIX FANINI O'QITISHDA XVI-XVIII ASRLARDA HINDISTONNI O'RGANISH. *Scientific progress*, 1(6).
15. Mengboev, S. N., & Haydarov, S. (2021). TARIX FANINI O'QITISHDA URARTU PODISHOLIGINING O'RNI. *Scientific progress*, 1(6).
16. Asqarov, N. S. O., & Haydarov, S. (2021). ARAB XALIFALIGINING POYTAXTI BAG'DODNING TANAZZULGA YUZ TUTISHI. *Scientific progress*, 1(6).